# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 13 апрель, № 72 (6507) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## МЕВА-САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмасининг 2016 йилги ҳосилдан бошлаб ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмасини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси:

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан барқарор таъминлаш;

ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага ғамлаш;

ташқи бозорларда харидоргир бўлган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ушбу маҳсулотларга нисбатан талабдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

2. Вилоят ва туман ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича ҳудудий бошқарма ва бўлимларига фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳажми бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ва улар томонидан тузилган контрактация шартномалари бажарилишини мониторинг қилиш;

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясига ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш;

«Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмасига қиш-баҳор мавсуми учун ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни ғамлаш;

«Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясига ҳўл мева-сабзавотларни экспорт қилиш вазифалари ва масъулияти юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат буюртмаси доирасида:

маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш, маҳсулот етказиб берувчилар — фермер ва деҳқон хўжаликлари ва истеъмолчилар — «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали амалга оширилади;

ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум фермер ва деҳқон хўжаликларидан келишилган, бозор нархларида харид қилинади;

ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия шартномалари бўйича экспорт қилинади;

ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини комиссия шартномалари асосида экспорт қилишда комиссия хизмати учун тўлов миқдори 1 фоиздан ошмаслиги лозим;

қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга олдиндан 100 фоиз тўлаш ёки аккредитив очиш ёхуд харидорнинг молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлган энг ишончли банклари кафолати билан, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари эса олдиндан камида 30 фоиз тўлаш шартлари асосида етказиб берилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисидаги Низом;

ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, унда экспортдан валюта тушумининг кафолати ва унинг белгиланган миқдорда мажбурий сотилишини таъминлайдиган нормалар кўзда тутилсин.

4. 2016 йил учун ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси 1-иловага мувофиқ;

2016 йил учун давлат буюртмаси асосида мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш ва ишлатилиши баланси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги 2505-қарорига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссиясига (Ш. Мирзиёев) зарур ҳолларда жаҳон бозоридаги конъюнктура ўзгаришини инобатга олган ҳолда мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳажмидан келиб чиқиб, баланс параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига баланс ижроси ҳақида маълумот тақдим этсин.

5. Махсус ташкил этилган ишчи гуруҳлари жойларга чиқиб, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни тўлиқ инвентаризациядан ўтказгани, уларнинг барчаси хусусий мулк шаклидаги корхоналар эканлиги ва уларнинг аксарияти замонавий технология ускуналари билан жиҳозлангани маълумот учун қабул қилинсин.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси ўтказилган инвентаризация асосида уч ой муддатда мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш ва ташқи бозорда рақобатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган қайта ишлаш корхоналарини янада модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, замонавий қадоқлаш буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир аниқ таклифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси ва бошқа манфаатдор вазирлик, идораларни жалб қилган ҳолда, шу йилнинг май ойида етакчи хорижий ишлаб чиқариш компаниялари ва уларнинг дилерлари иштирокида ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича замонавий юқори технологияли ускуналар ҳамда технологияларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил қилсин.

(Давоми 2-бетда).

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 2016 йил 14-15 апрель кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.***

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашув чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қиладилар.

## САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 апрель куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, авиаташув, энергетика, нефть-газ, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё ҳамда енгил саноат, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, ахборот технологиялари ва коммуникациялари, геология, тоғ-кон металлургияси, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирлик ҳамда идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қўмита ҳамраиси Рустам Азимов ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бағишлади.

Ўзбекистон — Япония иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби кўплаб ҳужжатларга асосланади. Икки томонлама алоқаларни кенгайтиришда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари муҳим ўрин тутади. Мазкур қўмиталарнинг навбатдаги қўшма мажлисида Япониянинг етакчи фирма ҳамда компанияларидан вакиллар иштирок этгани Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон сармоявий салоҳиятига қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

Андижон вилояти:

## ФИДОЙИЛИК, ЮРТГА МЕҲР ВА САДОҚАТ ИФОДАСИ



*Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилаётгани билан янада қадрли ҳамда аҳамиятлидир. Бунинг натижаси нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида юз бераётган ўзгаришлар — қад ростлаётган янгидан-янги иншоотлар, замонавий корхоналар тимсолида кўзга яққол ташланиб, шу азиз ва жонажон Ватанимиз — Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ғуруриға ғурур қўшмоқда.*

***Бунёдкорлик манзиллари***





Зеро, бундай ифтихор яратиш, яшнатиш, бунёдкорлик ғояси одамлар қалбига кўчганини, элим деб, юртим деб ёниб яшаш қанотбахш шиоримизга айланиб улгурганини англатади.

Биз ана шундай бунёдкорликлар туфайли кундан-кун бетакрор қиёфага кираётган вилоятлардан бири — Андижонда бўлдик. Очиғи, ободлик насимини, шижоатнинг суръатини, озодлик бахтинию одамийлик тафтини Андижонда кўрдик, десак, асло муболаға эмас. Зотан, ушбу ҳududдаги ҳар бир ҳолат — рўй бераётган янгиланишлар, маҳобатли қурилишлар, гулу гулзорга айланган хиёбонлар кўрган кўзни қувнатиб, дилга завқу шавқ бағишлайдики, беихтиёр ана шундай саодатли давру давронимизнинг асл мезони — тинч ва осуда ҳаётимизга шукроналар айтасиз.

Вилоят маркази — Андижон шаҳрининг Навоий, Ўзбекистон, Истиқлол, Миллий тикланиш кўчаларида қад ростлаган муҳташам тураржойлар, турли иншоотлар, савдо шохобчалари, болалар боғи, ўхшаши йўқ меҳмонхоналар, кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат дўконлари, қўйингки, уларнинг сон-саноғини аниқ айтаман, десангиз, адашасиз. Шинам ҳамда кўркам, ўзига хос дизайнда, бири-бирига “елка тутиб” турган бинолар ёнидан шунчаки ўтиб кетишнинг иложи йўқ. Негаки, улар шу қадар уйғунлик касб этганки, тўхтаб-тўхтаб, астойдил томоша қилишни бошлайсиз. Айтайлик, тўрт тарафдан ҳам кириш мумкин бўлган “Бахт уйи” биносини фақат Андижонда учратасиз. Кўчалар бўйидаги райҳонзорлар, майдонлардаги гулу гулзорлар шаҳарга янада файзу тароват бахш этиб турибди. Буни қарангки, бугун ўз томорқаси ва иссиқхонасида банан, киви, ананас ҳамда папайя ўсимликларини парваришлаётган, уларни ўзимизнинг шароитимизда кўпайтиришни, бозорларимизга олиб чиқишни уддалаётган андижонлик миришкорлар оз эмас. Буларнинг барчаси нафақат вилоят, балки мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, бозорларимиз тўкинлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

(Давоми 4-бетда).

## ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

ТАДБИР

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга, Конституциямиз қоидаларини амалда рўёбга чиқаришга, мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитнинг жозибадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитларни яратишга, жамиятимиздаги барқарорлик ҳамда фаровонликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор масалалар кўриб чиқилган эди.

Бугунги кунда сенаторлар томонидан ушбу масалаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, хусусан, ижрочиларга етказиш мақсадида жойларда учрашувлар ва бошқа қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳияти ҳамда аҳамияти, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, фуқароларнинг амалдаги қонунларни, шунингдек, давр талабидан келиб чиққан ҳолда уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни пухта билиши, ҳуқуқий билим ҳамда маданиятини юксалтириш қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда ва бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиши алоҳида кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# МЕВА-САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6. 2019 йилнинг 1 январигача:

мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари);

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибига кирадиган қайта ишлаш корхоналари ягона ижтимоий тўловдан ташқари даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандга мувофиқ солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши ҳисобидан бўшайдиган маблағлардан ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун мақсадли фойдаланилиши лозим. Бўшаган маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда улар қайтариб олиниб, бюджет ва тегишли давлат мақсадли фондларига ўтказилади.

7. Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзагроэкспорт» компанияси ва бошқа манфаатдор тузилмаларнинг:

жорий йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида 2016 йилги хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш;

Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган майдонни ташкил этиш ва унинг базасида ҳар йили октябрь ойида келгуси йил учун экспорт шартномалари тузишни ташкил қилиш мақсадида хорижий компанияларнинг фаол иштирокида ярмарка тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасини ҳар йили ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

8. Тижорат банкларига фермер ва деҳқон хўжаликларига мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш учун давлат буюртмаси бўйича бўнак ва якуний ҳисоб-китоблар учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ресурслари ажратиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ишлаб чиқарувчи хўжаликлар тоифасига қараб мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни етиштириш ҳамда контрактация шартномалари асосида харид қилиш ҳажми бўйича статистик ҳисоботларни танқидий кўриб чиқсин ва бу борада халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда янги статистик ҳисоботлар шаклларини белгиланган тартибда тасдиқласин ва уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, тегишли статистика органларига тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси билан биргаликда 2016 йилнинг 1 майига қадар хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортировка қилиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 апрель

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

## қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мустақиллик йилларида мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни янгилаш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштириш, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, парламентнинг нуфузи ҳамда ролини юксалтириш, марказда ва жойларда ижро ҳокимиятининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, — дейди халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати Раъноxон Бойқўзиева. — "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун ҳам ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми ҳисобланади, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, унга биноан Конституция ҳамда қонунларимиз ижроси устидан парламент назоратини рўёбга чиқаришнинг ягона механизми янада мустаҳкамланди. Қонунда, тадбирда айтиб ўтилганидек, парламент назоратининг субъектлари, объектлари, шакллари ва усуллари, шунингдек, парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар ўз ифодасини топган. Парламент назорати шаклларининг аниқ белгилаб қўйилиши эса қонун ижросини бир хилда таъминлаш, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади. Қонун қоидаларининг жорий этилиши, шу жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш имкониятини кенгайтиради. Табиийки, бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда парламент аъзолари ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш айни муддаодир.

Тадбирларда Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларига хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

— Бугун юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда иш ўринларини ташкил қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга устувор эътибор қаратилмоқда, ўз навбатида, соҳанинг ҳуқуқий асоси изчил такомиллаштирилаяпти, — дейди Сайхунобод туманидаги "Улуғбек" кичик корхонаси раҳбари Улуғбек Ниёзов. — Янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда бухгалтерларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш имконияти тўғрисидаги норманинг қонунчилик йўли билан мустаҳкамланиши, соҳа вакилларининг фикрича, бухгалтерларнинг умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда муҳофаза этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Энг муҳими, қонун жойларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга катта ҳисса қўшаётган тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштириш имконини беради. Тадбирда қонунчиликка киритилаётган барча янгилик хусусида тўлиқ маълумот олдик.

Тадбирларда, шунингдек, парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан ташкил қилинган Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари, уни тузишдан кўзланган мақсад ҳақида батафсил ахборот берилди.

— Президентимиз ташаббуси билан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш борасида қатъий ислоҳотлар олиб борилаётганини кўрсатади, — дейди халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати Наргиза Муҳаммадиева. — Бу Сенатнинг ваколат ҳамда имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда, қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назоратни, прокуратура органларининг ўз вазифаларини қатъий бажаришида парламент ва жамоатчилик назоратининг кучайишини таъминлайди. Асосийси, умумдавлат ҳамда ҳудудлар манфаатларига тамомила мос келади.

Тадбирларда Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалаларни қуйи бўғинларда, хусусан, фуқаролар йиғинларида, таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ҳам кенг тушунтириш зарурлиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2015 йилда бу кўрсаткич 253,4 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўндан зиёд қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 12 компанияси ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Улар транспорт, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил саноат, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, сармоявий лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар етказиб бериш каби йўналишларда иш олиб боради.

Япония ҳукумати мамлакатимизда 1995 йилдан буён таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни қамраб олган кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур дастур доирасида умумий қиймати 23 миллион 380 минг доллардан ортиқ 352 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Айни пайтда таълим ҳамда тиббиёт соҳасида 11 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мажлисда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида мамлакатимиз иқтисодиётида изчил таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Иқтисодиётнинг барча тармоғини ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш, хусусий мулкнинг улушини ошириш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусийлаштириш соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш катта истиқболга эга экани таъкидланди. Мамлакатимизда фаол иш юритаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, "Mitsubishi Corporation", "Marubeni Corporation", "Toyota Tsusho Corporation" каби ташкилот ва компаниялар ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга келишиб олинди.

— Жаҳонда ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистон юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани эътиборга молик, — деди "Mitsubishi Corporation" корпорацияси катта ижрочи вице-президенти, қўмита ҳамраиси Хидето Накахара. — Зеро, мамлакатингиз иқтисодиётининг барқарор ривож топаётгани Ўзбекистон танлаган тараққиёт моделининг самарали эканлигини исботлади. Ушбу тадбир Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма бизнес лойиҳаларини ҳаётга изчил жорий этишга хизмат қилади.

Анжуманда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари, Япония компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистон индустриал зоналарида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Япония компанияларининг мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган сармоявий лойиҳалардаги иштироки, нефть-газ, банк-молия, кимё саноати, юқори технологиялар, автомобилсозлик ва тўқимачилик соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

# ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

## Аҳоли бандлигини таъминлашда, саноат, инвестиция ва экспорт ҳажми ўсишида кичик бизнеснинг ҳиссаси тобора ошиб бораяпти.




Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Хоразм вилоятида ҳам хусусий сектор равнақига қаратилган қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Пировардида ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳалари рўёбга чиқарилиб, импорт ўрнини босувчи янги-янги маҳсулот турлари ўзлаштирилаётир. Чунончи, ўтган йили вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 74,1 фоизга етди. Мазкур тармоқда 1 минг 292 та янги субъект ташкил қилинди. Бунда соҳа вакилларига тижорат банклари томонидан 494 миллиард сўмлик ёки 2014 йилдагига нисбатан 118 миллиард сўм кўп кредит маблағлари ажратилгани қўл келди.

Хонқа туманининг Мадир қишлоғидаги йодланган ош

### МОДЕРНИЗАЦИЯ

тузи ва макарон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Xonqa billur salt" хусусий корхонаси тадбиркорлари ана шундай имкониятлар туфайли фаолиятини йил сайин кенгайтириб бормоқда. Мазкур кичик бизнес субъекти бундан 18 йил аввал "Қувонч" фермер хўжалиги таркибида мини-цех шаклида иш бошлаган эди. Ўтган даврда корхона маҳсулотларига ички бозорда талаб ортиши натижасида у замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик саноат тузилмасига айлантирилди. Рўёбга чиқарилган модернизациялаш лойиҳаларига 2 миллиард сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Бу орқали ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулот тури кўпайди, сифати яхшиланди, қўшимча иш ўринлари яратилди. Бинобарин, полиэтилен ва полипропилен ашёлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, 35 кишилик жамоа томонидан 2014 йилда 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили мазкур кўрсаткич 5 миллиард 400 миллион сўмликдан ошди.

— Юртимизда биз, тадбиркорларга барча имконият яратиб берилган, — дейди корхона раҳбари Дилшод Отажонов. — Бундан оқилона фойдаланиб, юқори натижаларга эришаяпмиз. Жумладан, жорий йилда лойиҳа қиймати 500 минг АҚШ долларилик, соатига 10 тонна йодланган ош тузи тайёрлашга мўлжалланган технологик линияни ишга туширмоқчимиз. Бу эса ишлаб чиқариш қувватини икки баробар ошириш ҳамда яна 15 кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Албатта, изланиш, янгиликка интилиш — тадбиркорликнинг муҳим шарти. Эътибор ва рағбат эса бу борадаги саъй-ҳаракатларга қанот бағишлайди. Шу маънода, "Xonqa billur salt" жамоасининг кейинги йилларда республикамиз ҳамда вилоят миқёсида ўтказилаётган танловлар ва халқаро ярмаркаларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келаётгани жамоа кучига куч, ғайратига ғайрат қўшаяпти.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси йиғилиши яқинда эълон қилинган Корпоратив бошқарув кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш масаласига бағишланди.

# Изчил ислоҳотларнинг қонуний асоси

Таъкидланганидек, мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Шу маънода айтганда, Корпоратив бошқарув кодекси ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорларга экспорт қилиш мақсадларини кўзлайди ҳамда бунда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда ушбу Кодексда белгиланган меъёрларга атрофлича тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, у акциядорлар учун ёзма ва электрон мурожаатлар юбориш, акциядорларнинг уланиш манзиллари ҳамда банк реквизитлари ўзгаргани тўғрисидаги ахборотни йўллаш орқали уларнинг акциядорлик жамияти билан алоқасини соддалаштиради. Бу уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, акциядорларнинг акция эгалари улушидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилик асосида бошқарувда ҳамда қарорлар қабул қилишда амалий иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқий ҳужжат акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимидаги тамойиллар ва ёндашувлар тубдан ўзгаришига, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ҳамда инвестиция соҳаларига корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этишга, халқаро стандартларнинг имплементация қилинишига имкон беради.

Тадбир иштирокчилари билдирганидек, айни вақтда барча акциядорлик жамиятида йил давомида Корпоратив бошқарув кодекси қоидалари ва тамойилларига риоя этиш устидан назорат тизими жорий қилинади ҳамда ҳар бир молия йили натижалари бўйича акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш юзасидан комплекс таҳлил амалга оширилади, аниқ таклифлар ишлаб чиқилади.

Қўмита йиғилишида давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йилга мўлжалланган ташкилий ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастурига мувофиқ, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятида ижро этилиши ҳолати ўрганилишини ташкил қилиш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Айтиб ўтилганидек, ушбу масалани ўрганишдан мақсад вилоятдаги инвестиция иқлими ва "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун ижроси ҳолатини тизимли мониторинг қилишдан иборат бўлиб, бунда хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда, қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Қўмитада йиғилиш якунлари бўйича тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш, акциядорлик жамияти барча аъзосининг жамият бошқаруви ишларида тенг қатнашиши кафолатларини таъминлаш, шунингдек, жамият фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда фойдани тақсимлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Экспортда салмоқли натижа

***Когон туманидаги "Кнауф гипс Бухоро" корхонасида дастлаб тўрт турдаги қуруқ қурилиш аралашмаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди.***

Кейинчалик ҳудудда йирик хом ашё захираси мавжудлиги инобатга олиниб, гипсокартон қопламалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

### ИЗЛАНИШ

Айни пайтда корхона ёрлиғи туширилган бинокорлик материалларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бормоқда. Йилига 20 миллион квадрат метр ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга тадбиркорлик субъекти ўтган йили чет эллик харидорларнинг 7,5 миллион АҚШ долларилик буюртмаларини бажаришга эришди.

Таъкидлаш жоизки, шу каби корхоналар саъй-ҳаракати билан 2015 йилда вилоят ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 392,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 12 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2183,62 | 1 Исландия кронаси | 23,45 | 1 СДР | 4067,84 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4081,01 | 1 Канада доллари | 2224,92 | 1 Туркия лираси | 1014,68 |
| 1 Дания кронаси | 443,01 | 1 Хитой юани | 446,81 | 1 Швейцария франки | 3032,75 |
| 1 БАА дирҳами | 786,47 | 1 Россия рубли | 42,81 | 1 евро | 3286,53 |
| 1 АҚШ доллари | 2888,39 | 1 Украина гривнаси | 112,70 | 10 Жанубий Корея вони | 25,19 |
| 1 Миср фунти | 325,27 | 1 Малайзия ринггити | 743,66 | 10 Япония иенаси | 267,77 |
| | | 1 Польша злотийси | 767,80 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Февраль ойида еврохудуддаги ишсизлик даражаси 0,1 фоиз камайиб, 2011 йилдаги каби 10,3 фоизга тенглашди.*

## Ишсизлик даражаси таҳлили



Хусусан, бу борада энг яхши кўрсаткич Германия (4,3 фоиз) ва Чехия (4,5 фоиз)га тегишли бўлди. Аксинча, энг юқори даража Испания (20,4 фоиз) ҳамда Греция (24 фоиз)да кузатилган. Умуман, мазкур минтақада бандлик кўрсаткичи барқарор равишда ижобий томонга ўзгариб бораётгани ҳақида хабар қилинсада, айни пайтда Европа Иттифоқи давлатлари аҳолисининг 21,6 миллион нафари иш билан таъминланмаган.

## Ўтган йилдагига нисбатан кам

*Кийим-кечак дўконлари тармоқлари орасида дунё бўйича иккинчи ўринда турадиган "Hennes & Mauritz"(Швеция)нинг жорий йил биринчи чорагидаги даромади 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан камайган.*




Яъни у ҳисобот даврида 356 миллион евро ишлаб топган. Ваҳолонки, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 500 миллион еврони ташкил этган эди. Март ойида кузатилган совуқ об-ҳаво юқоридаги ҳолатни келтириб чиқаргани айтилмоқда. Айнан ўтган ойда савдо-сотиқ ҳажми, бор-йўғи, 2 фоиз ўсган.

## Инновацион мегаполис

*Японияда 2018 йилга бориб навбатдаги замонавий мегаполис — "ақлли" Цунасима пайдо бўлади. Айни пайтда мамлакатдаги ўнта компания ушбу бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаяпти.*



Шаҳарда савдо марказлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий-тадқиқот лабораториялари, кўнгилочар масканлар, талабалар учун тураржой барпо қилинади. Маҳаллий аҳоли эса экологик жиҳатдан тоза энергия манбалари асосига қурилган "ақлли" уйларда истиқомат қилади, экомобилларда ўз манзилларига етиб олади.

"Кунчиқар юрт"да бундан аввал яратилган юқоридаги каби ҳудуднинг номи "ақлли" Фужисава эди.

## Электр самолётлар яратилади

*"Airbus Group SE" авиаконцерни (Франция) "Siemens AG" саноат бирлашмаси (Германия) билан электр токида ҳаракатланадиган самолётлар технологиясини яратиш бўйича ҳамкорлик қилишни режалаштираяпти.*



Жумладан, 2020 йилгача авиация учун электр ва гибрид энергия манбалари яратилади. Мазкур жараёнга икки юзга яқин муҳандис жалб этилади.

Лойиҳа муаллифларининг билдиришича, 2030 йилга бориб қисқа йўналишларга қарийб 100 ўринли инновацион самолётлар парвозлари йўлга қўйилади. Бундай тежамкор ҳаво лайнерлари, ўз навбатида, атмосферага чиқариладиган зарарли газларни қисқартиришга ҳам хизмат қилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



***Вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ҳамда илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси

***2016 йил 16 апрель куни соат 9.00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университети менежмент факультетининг 2015/2016 ўқув йили битирувчилари учун***

**ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ**

***тадбирини ўтказади.***

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети менежмент факультетини 2015/2016 ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича талабалар битирадилар:**

— 5230200 — менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича);

— 5230400 — маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича).

**Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:**

✓ битирувчиларни иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништириш, шунингдек, уларга меҳнат бозори, мутахассисларга эҳтиёжи мавжуд корхона ҳамда ташкилотларда ишга жойлашиш имкониятлари, мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш;

✓ битирувчиларнинг махсус, касбий ва малакавий билимлари, қобилият ҳамда малакалари тўғрисидаги маълумотларни иш берувчиларга тақдим этиш;

✓ иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан университет ўртасида интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилиш, битирувчиларни касбга йўналтириш, ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича шартномалар тузиш;

✓ иш берувчи корхона ҳамда ташкилотларда битирувчиларнинг малакавий амалиёт, стажировкаларини ўтказиш масалаларини муҳокама қилиш.

***Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, 1-ўқув биноси.***
***Маълумот учун маркетинг бўлими телефони: (+99871) 239-28-77.***

582А/234

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали банк фаолиятининг касса ишлари учун пул санаш машиналарини етказиб бериш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида душанбадан жумагача соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил:
Ўзбекистон Республикаси, 100060,
Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 38-уй.
Тел.: (+99871) 150-77-02, 150-77-03,150-77-23.
E-mail: info.toshkent@qqb.uz

Хизматлар лицензияланган. 576R/12

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 6 апрелдаги 67-сони ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2016 йил 6 апрелдаги 28-сонида чоп этилган эълонлардаги, бошланғич баҳоси 116 250 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мукаррама Турғунбоева кўчасида жойлашган 73-уй аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз.

**Асос:** Яккасарой тумани СИБнинг 2016 йил 7 апрелдаги 7473/19-сонли хати.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: (0-371) 249-54-59.**

605А/6 Хизматлар лицензияланган.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2016 йил 27 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Пастдарғом тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 19 октябрдаги 14-1508/14962-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, «Дўрмонтепа» ҚФЙ, Синчи маҳалласида жойлашган, умумий майдони 7000,48 кв.м., фойдаланиш майдони 925,52 кв.м. бўлган товуқхона биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!***

Ушбу кўчмас мулк аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2016 йил 13 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

2016 йил 13 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Пастдарғом тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2016 йил 25 мартдаги 14-1616/684-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, «Бешқаҳрамон» ҚФЙ, Қайирмасой қишлоғида жойлашган, ер майдони 10 гектар, қурилиш ости майдони 1856,8 кв.м. бўлган ғишт заводи бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 960 040 000 сўм.***

**2.** Булунғур тумани СИБ томонидан ФИБ Жомбой туманлараро судининг 2016 йил 25 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, Булунғур тумани, Аҳмад Дониш кўчаси, 13-уйда жойлашган, ер майдони 981,76 кв.м., тураржой майдони 103,77 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 112 500 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.**

Хизматлар лицензияланган. 590R/74

**GRUZSHINA.UZ**

**КЎП ТУРДАГИ АВТОШИНАЛАР**




**Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.**

**Тел.: (+99871) 250-07-40.**
**Факс: (+99895) 170-32-52.**

53R/7

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ЖИБ Олмазор тумани судининг 2016 йил 4 апрелдаги 1-395/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Hush nur biznes» МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 20-уйдаги 25110 кв.м. ер майдонида жойлашган, биноларнинг умумий майдони 14288 кв.м. (ҳужжатли майдони — 12632 кв.м. ва ҳужжатсиз майдони — 1565 кв.м.)дан иборат бўлган омборхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 6 209 537 200 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ЖИБ Олмазор тумани судининг 2016 йил 4 апрелдаги 1-395/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Working Price» МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-2 мавзеси, Мухбир кўчасидаги 14500 кв.м. ер майдонида жойлашган, қурилиши тугалланган ва тугалланмаган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 3 141 985 712 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 17 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан ариза ҳамда бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

599А/6 Хизматлар лицензияланган.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 18 май куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 6 апрелдаги 15-15-08/3848-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «12-Маърифат» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 50-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 7522,27 кв.м., фойдаланиш майдони 9477,83 кв.м. бўлган, 0001 — 0006, 0009, 0011 ва 0012-литерлардаги уч қаватли марказий универмаг биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 6 470 159 103 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 16 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2016 йил 4 май куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 19 июлдаги 15-13-09/11226-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Данғара тумани, «Оқжар» ҚФЙ, Тантиқсарой қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 7684,17 кв.м., фойдаланиш майдони 2333,61 кв.м. бўлган, 0001,0002, 0008 — 0018 ва 0020-литерлардаги марказий таъмирлаш устахонаси арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 429 387 729 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 2 май куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган. 598А/74

**POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

**Micros®**
**Ўзбекистондаги расмий ҳамкор**




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***

- **савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);**
- **бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;**
- **ресторанлар, кафе, барлар;**
- **фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.**




**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**
**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

**- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДЙҲХБ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.**

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

102R/525

**«Global savdo fayz Buxara» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро шаҳар бўлими томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2015 йил 26 майдаги 2-23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80 V 030 НА бўлган «XCMGJQZ30K» русумли махсус автокран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 502 440 828 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 13 май куни соат 11.00 да «Global savdo fayz Buxara» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади.

Мазкур автотранспорт воситаси 2016 йил 13 май кунидаги аукционда сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2016 йил 31 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Global savdo fayz Buxara» МЧЖнинг АТ «Савдогарбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000505017774001, МФО: 00112, СТИР: 302485226.

Гувоҳнома № 0000034.

**Қўшимча маълумот олиш учун «Global savdo fayz Buxara» МЧЖ манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй, 2-қават, 2-хона. Телефон: (0-365) 221-54-43.**

602А/277



Келажакка ишончи мустаҳкам ёшлар ҳудуддаги ўзгаришлардан бениҳоя хурсанд.

## Андижон вилояти:

# ФИДОЙИЛИК, ЮРТГА МЕҲР ВА САДОҚАТ ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Кунда-кунора Андижон шаҳрини айланиб, тушимми ёки ўнгимми, дейман баъзан, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика "Нуроний" жамғармасининг вилоят бўлими раиси Таваккал Топволдиев. — "Шу бизнинг Андижонми, шу туғилиб ўсган вилоятимизми?!" деб савол бераман ўзимга ўзим. Ахир бугунги фаровон ҳаётни бир пайтлар хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Эртамизга, келажакка ишонч йўқ эди. Мана энди дориламон кунларни қаранг! Шаҳардаги 14 та кўчада олиб борилган кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари Андижонни юртимиздаги энг обод ва кўркам манзиллардан бирига айлантирди. Айниқса, Ўзбекистон шоҳкўчаси нафақат Андижоннинг, қолаверса, мамлакатимизнинг фахрига айланди, десак, тўғри бўлади. Навоий, Бобур шоҳкўчаси, Амир Темур кўчалари ҳам кенг ва равонлиги, ободлиги билан эътиборни тортади. Яқинда улар қаторига Истиқлол ҳамда Миллий тикланиш кўчалари қўшилди. Давлат муассасалари бинолари, учта кўп қаватли тураржойнинг ташқи қиёфаси тубдан ўзгартирилди. Ўнлаб савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектлари, болажонлар учун турли аттракционлар, музқаймоқ ва салқин ичимликлар савдосига мўлжалланган шохобчалар қурилди. Истиқлол кўчасида бунёд этилган мусиқий фаввора эса барчанинг севимли масканига айланиб улгурди. Буларнинг ҳаммаси учун Президентимизга мингдан-минг раҳмат!

Дарҳақиқат, шаҳарда қурилиш, бунёдкорлик кўлами кенг қулоч ёзмоқда. Марказнинг Эски шаҳар қисмида бажарилган қурилиш ишлари, кўчаларнинг кенгайиши билан ободликнинг "кўзи" очилди. Пиёдалар йўлаклари четига замонавий панжаралар ўрнатилиши ҳам ўзига хос безак бўлди. Шаҳар марказидаги айланма йўл ўртасида қад ростлаган улкан Ер шари рамзи, парвоз қилаётган лайлаклар юртимиздаги тинчлик, ободлик тимсолига айланди.

Жорий йилнинг энг муҳим воқеаси сифатида иш бошлаши кутилаётган "Ангрен — Поп" йўналишида электрлаштирилган темир йўли бунёд этилиши билан боғлиқ тарзда Андижон вокзали ҳам бутунлай янгиланди.

Болалар боғи рўпарасида қурилаётган, ёзги таътилга қадар фойдаланишга топширилиши мўлжалланган Қўғирчоқ театри биноси ҳам шаҳар кўркига кўрк қўшиб, фарзандларимизга муносиб туҳфа бўлади. Лойиҳа қиймати 7 миллиард 274 миллион сўмга тенг мазкур объектни "Бунёдкор гранд сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо қилишмоқда. Шаҳарга кираверишдаги кўприк кенгайтирилди, Мустақиллик кўчасига алоҳида файз ва кўрк бағишлаб турган, барча қулайликларга эга янги бозор қурилишига эса, бор-йўғи, етмиш кун сарфланди. Автомобиллар қатнови учун қулайликлар яратилди. Жорий йилда яна 13 та кўп қаватли уй, Ёшлар маркази қурилиши кўзда тутилган.



Шаҳарнинг марказий кўчаларига экилган лола дарахтлари, ҳадемай, ён-атроф чиройига чирой қўшади.

— Давлатимиз раҳбарининг: "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", деган сўзлари бугун юртимиз, хусусан, вилоятимиз мисолида ўз ифодасини топаяпти, — дейди "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси, Булоқбоши тумани, Учкўча маҳалласи фаоли Жумагул Исмоилова. — Андижон марказида қад ростлаган биноларнинг гўзаллигидан қанчалик завқлансак, чекка қишлоқларда барпо этилаётган замонавий иншоотлардан ҳам шунчалик қувонаяпмиз. Фарзандларимиз камоли учун хизмат қилаётган мактаб ва коллежлар, лицейлар, спорт иншоотларини кўриб, "Буларнинг барчаси мўъжиза-ку", деймиз беихтиёр. "Қани эди, ёш бўлиб қолсам-у, тинимсиз ўқисам, ўз устимда ишласам", дея ширин орзуларга бериламиз. Шу маънода, бизга мана шундай тўкис шароитни, бир инсоннинг яхши яшаб, эзгу мақсадларини амалга ошириши учун неки керак бўлса, муҳайё қилаётганларга ҳар қанча миннатдорлик билдирсак, камлик қилади, деб ўйлайман.

Вилоятда кейинги йилларда янги ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг амалга оширилиши, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсишига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада 2016 — 2018 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида саноат йўналишида 508 та лойиҳага умумий қиймати 578,8 млрд. сўм инвестиция киритилиши, пировардида 18 минг 218 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Ҳудудда олиб борилган тадбирлар натижасида жорий йилнинг январь — март ойларида Дастурнинг асосий йўналиши — саноат соҳасида 103 та лойиҳа (режага нисбатан 177,6 фоиз) амалга оширилиб, қарийб 19,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ҳамда 1 минг 565 та иш ўрни яратилди.

Мазкур лойиҳалар 55 та янги қувватларни фойдаланишга топшириш, 45 та мавжуд қувватларни кенгайтириш ҳамда 3 тасини модернизация қилиш ҳисобига амалга оширилди. Мисол учун, Андижон шаҳридаги бутловчи қисмлар тайёрлашга мўлжалланган "New material`s division high tech" МЧЖ томонидан 1,5 млрд. сўм инвестиция киритилиши ҳисобига 160 та, "Диёр водий текстиль" МЧЖнинг 2,5 млрд. сўмлик сармояси эвазига эса 100 та иш ўрни вужудга келди.

Гап бандликни таъминлаш ҳақида борар экан, бир жиҳат эътиборимизни тортди. Яъни бугун Андижон вилоятида 3 та энг замонавий "Sunday" супермаркети мавжуд бўлса, шундан 2 таси шаҳарда, биттаси эса Шаҳрихон туманида жойлашган. Туманнинг Янги ҳаёт маҳалласида қад ростлаган савдо марказининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан бу ерда 70 та иш ўрни яратилган бўлса, шулардан 10 тасига ҳудуддаги кам таъминланган оилалар аъзолари жалб қилинганлари ибратлидир.

— Энди туман ёки вилоят марказидаги бозорларга боришга умуман ҳожат қолмади, — дейди Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Ўрмонжон Абубакиров. — Чунки шундоқ уйимиз ёнидаги икки қаватли супермаркет кечаю кундуз ишлаб турибди. У ерда эҳтиёжимизни қоплайдиган ҳамма нарса муҳайё. Энг муҳими, нархлар кўнгилдагидек, барча турдаги пластик карточкалар орқали бемалол савдо қилаяпмиз. Кундан-кунга турмушимиз фаровон, рўзғоримиз обод бўлиб бораяпти. Қисқача айтганда, биз бахт нима эканлигини, ҳақиқий яшаш қандай бўлишини мустақиллик туфайли англаб етдик.

Чиндан ҳам шундай. Муҳими, юракдан айтилган бундай сўзларни кўпчиликдан эшитдик, шаҳар ва қишлоқларда яшаётган каттаю кичик билан мулоқотда бўлиб, уларнинг самимий гапларидан илҳомландик. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган




Андижон вокзалининг янгиланган қиёфаси ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

қатор-қатор уй-жойлар барчанинг ҳавасини келтиради, хонадонлар атрофида экилган турфа гуллар ифори кайфиятни кўтаради. Дарвоқе, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қад ростлаётган бундай уйлар юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Андижон қишлоқлари қиёфасини ҳам тамоман ўзгартирмоқда. Эътибор беринг: вилоятда 2010 йилда 620 та уй-жой қурилган бўлса, 2015 йилда 1060 та ана шундай кўркам тураржой битказилиб, ўз эгаларига топширилди. Бу ўғил уйлантириб, қиз узатишда уюштириладиган тўйлардан ташқари, Андижондаги яна 1060 та хонадонга қувонч кирди, шунча уйда шодиёна бўлди, деганидир.

Шу кунларда эса Андижон флораси лола дарахти билан бойитилди. Хитойдан келтирилган 1000 туп кўчат вилоят марказидаги кўча ва хиёбонларга экилди. Ўсимлик дунёсининг мафтункор ҳамда гўзал вакилининг асли ватани Шимолий Америка ҳисобланади. Мўътадил иқлимда бемалол униб-ўсадиган дарахт чидамли бўлиб, 30 даражагача совуққа бардош беради, тупроқ сифати ва сувга талабчан эмас. 500 йилгача умр кўрадиган дарахтнинг бўйи ҳар йили 1 метрга ўсган ҳолда, 30 метргача етади. Лолани эслатувчи гули ҳамда барглари ўймакор услубда чизилгандек таассурот қолдиради. Апрель — май ойларида очилишни бошлаб, 100 кун давомида чор-атрофга гўзаллик улашиб туради. Қизил, бинафша рангли бу табиат инъоми ўзидан хушбўй ис таратади.

Мазкур ноёб дарахтни экиш олдидан ўтказилган ўзига хос машваратда вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов Андижонда олиб борилаётган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига тўхталди. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан ушбу дарахтни мамлакатимиз бўйлаб оммалаштириш ҳаракати бошланганини таъкидлади. Яқин кунларда яна минг туп лола дарахти кўчати келтирилишини маълум қилди.

Нуроний отахонлар иштирокида шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ниҳолларни тупроққа қададилар. Жумладан, "Андижон" аэропорти ҳудуди, Миллий тикланиш кўчаси, Амир Темур ва Алишер Навоий шоҳкўчалари бўйлаб ана шундай кўчатлар ўтқазилди.

— Барглари узун бўлгани боис кўп миқдорда кислород ажратади, — дейди Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бионазорат инспекцияси бошлиғи Ҳокимхон Махсумов. — Саккиз йилда гулга киради. Лола дарахти инсонга эстетик завқ бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

**У**муман айтганда, одамларга завқ улашиш, яратиш, бунёдкорлик туйғуси бугун ҳар бир андижонликнинг қалбида жўш урмоқда. "Ободлик кўнгилдан бошланади", деган эзгу каломнинг ёрқин ижобатини ўз уйи, ҳовлиси, кўчаси ва маҳалласини саранжом-саришта тутишдек улуғвор мақсадлар билан яшаётган одамлар саъй-ҳаракатида кўрдик. Бутун вилоят бўйлаб шанба "Тозалик куни" сифатида эълон қилиниши ҳамда бу ташаббуснинг кексаю ёш тарафидан қизғин қўллаб-қувватланишидан эса ўрнак олса, арзийди. Ана шу аҳиллик, бирдамлик самараси шуки, бугун ҳудуднинг марказий кўчаларида бир уюм чиқинди у ёқда турсин, ҳатто, ғижимланган қоғоз кўзга ташланмайди. Кўп қаватли уйларнинг ҳовлиси, йўлак ва ертўласидан тортиб, энг чекка қишлоқлардаги йўллар атрофи ҳам ораста. Бу эса "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра", деган оқилона тамойилнинг кенг мазмун-моҳияти дилларга кўчганидан далолатдир. Беихтиёр Президентимизнинг андижонликларга қарата айтган мана бу сўзлари ёдга тушади: "...кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўлиқ хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин".

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

# Маҳаллада шифо маскани

Наманган шаҳридаги Машраб маҳалласида янги даволаш маскани фаолият кўрсата бошлади.

**ҚУЛАЙЛИК**

Ҳудуд аҳлига Соғлом она ва бола йилининг ажойиб туҳфаси бўлган мазкур иншоот "Ойдин шифо" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилди. Шифохона турли хасталикларни даволаш билан бирга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича тиббий-профилактика тадбирларини ҳам амалга оширади.

— Даволаш масканини қуриш ҳамда зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун банкнинг 4 миллиард 250 миллион сўмлик кредитидан фойдаландик, — дейди МЧЖ раҳбари Неъматжон Муродов. — Юз ўринга эга ушбу муассасада даволаш ишларини талаб даражасида ташкил қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бинобарин, энг малакали шифокорлар танлов асосида ишга олинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОН

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**сизларни 2016 йил 3, 5, 10 ва 12 май кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил қилинадиган савдоларга таклиф этади.**

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли (собиқ «Митан шароб» МЧЖ балансидаги), Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мингчинор қўрғони, Чордара маҳалласида жойлашган, ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган қуйидаги мол-мулклар яхлит ҳолда такроран қўйилмоқда: узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 1, узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 2, қуйиш линияси, иситиш ускунаси (қозон (котел) Е-1/10-0,9), иситиш ускунаси (қозон (котел) Е-1/10-0,9М2), трансформатор подстанцияси тўплами (трансформатор ТМ-63/10 кВт), турли ҳажмдаги 72 дона алюминий ва сирланган цистерна.

***Бошланғич баҳоси — 447 693 000 сўм.***

**Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:** савдо ғолиби мулк сотилиш баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, шартнома имзоланганидан сўнг 1 (бир) ой мобайнида, қолган қисмини эса шартнома асосида келишилган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект шартнома асосида келишилган муддатда миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш тўловлари бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб тўланади, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунга қадар объектни тасарруф этиш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқи берилмайди.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномаси бўйича тўловлар ҳамда бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, савдода қатнашиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— икки нусхада, конверт ичида сотиб олиш суммаси ва тўловларни тўлаш муддатлари тўғрисидаги таклифлар, бизнес-режа. Бунда тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгор имзоси ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар қўйилаётган мол-мулклар бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу мол-мулклар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

**Савдога тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:**
Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават,
307-хона (мажлислар зали).
**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**
**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Телефонлар: (0-371) 234-45-33, 235-17-02.
Тел./факс: (0-371) 234-04-53.
**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават,
401-хона. Телефон: (0-371) 233-02-49.
Тел./факс: (0-371) 233-23-40. Электрон почта:
TUAS_MCHJ@mail.ru

*Гувоҳнома № 005357.*

592А/30

# Ҳал қилувчи босқичга қуръа ташланди

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича 2018 йили бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг учинчи — ҳал қилувчи саралаш босқичига қуръа ташланди.

**ФУТБОЛ**

Унга кўра, қитъамизнинг аввалги босқичдан муваффақиятли ўтган 12 терма жамоаси икки гуруҳга бўлинди. Жумладан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси "А" гуруҳида Эрон, Жанубий Корея, Хитой, Қатар ва Сурия футболчиларига қарши баҳс олиб борадиган бўлди.

"В" гуруҳида эса Австралия, Япония, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ ва Таиланд терма жамоалари ўзаро куч синашади.

Мусобақа қоидасига мувофиқ, гуруҳларда дастлабки икки поғонани эгаллаган 4 та жамоа жаҳон чемпионатида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Учинчи ўрин соҳиблари эса "уй — сафар" тизими бўйича ўзаро баҳслашади. Унда муваффақият қозонган терма жамоа КОНКАКАФ минтақаси вакили билан беллашиб, мундиалга бориш учун курашни давом эттиради.

**Шавкат ОРТИҚОВ**
**тайёрлади.**

**Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати учинчи саралаш босқичида ўтказадиган ўйинлари тақвими қуйидагича:**

1-тур. 2016 йил, 1 сентябрь. Ўзбекистон — Сурия
2-тур. 2016 йил, 6 сентябрь. Қатар — Ўзбекистон
3-тур. 2016 йил, 6 октябрь. Ўзбекистон — Эрон
4-тур. 2016 йил, 11 октябрь. Ўзбекистон — Хитой
5-тур. 2016 йил, 15 ноябрь. Жанубий Корея — Ўзбекистон
6-тур. 2017 йил, 23 март. Сурия — Ўзбекистон
7-тур. 2017 йил, 28 март. Ўзбекистон — Қатар
8-тур. 2017 йил, 13 июнь. Эрон – Ўзбекистон
9-тур. 2017 йил, 31 август. Хитой – Ўзбекистон
10-тур. 2017 йил, 5 сентябрь. Ўзбекистон — Жанубий Корея

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6